**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.07.2019.FM.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УБАЙДУЛЛАЕВ УЛУҒБЕК ШУКИРИЛЛАЕВИЧ

ТЎРТБУРЧАК СОҲАДА КАСР ТАРТИБЛИ ОПЕРАТОРЛАР ҚАТНАШГАН АРАЛАШ ТИПДАГИ ТЕНГЛАМАЛАР УЧУН ЧЕГАРАВИЙ МАСАЛАЛАР

01.01.02 - Дифференциал тенгламалар ва математик физика

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2021

УДК 517.95; 517.956.6

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on physical and mathematical sciences

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.07.2019.FM.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УБАЙДУЛЛАЕВ УЛУҒБЕК ШУКИРИЛЛАЕВИЧ

ТЎРТБУРЧАК СОҲАДА КАСР ТАРТИБЛИ ОПЕРАТОРЛАР ҚАТНАШГАН АРАЛАШ ТИПДАГИ ТЕНГЛАМАЛАР УЧУН ЧЕГАРАВИЙ МАСАЛАЛАР

01.01.02 - Дифференциал тенгламалар ва математик физика

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/FM222 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва "Ziyonet" Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Исломов Бозор Исломович** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Дурдиев Дурдимурод Қаландарович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Каримов Эркин Тўлқинович физика-математика фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**Урганч давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30.07.2019.FM.02.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «06» 07 соат 10[00] даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866)231-06-32, факс: (+99866) 235-19-38, 239-12-47, e-mail: patent@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (24 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 231-06-32.)

Диссертация автореферати 2021 йил «19» 06 куни тарқатилди.
(2021 йил «19» 06 даги 2 рақамли реестр баённомаси).

А.С. Солеев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, физика-математика фанлари доктори, профессор

А.М. Халхўжаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, физика-математика фанлари доктори

А.Б. Хасанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, физика-математика фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида математика соҳасидаги кўплаб жараёнларнинг математик моделлари хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар хусусан, иккинчи ва учинчи тартибли аралаш типдаги тенглама учун локал ва нолокал масалалар ечимини топиш заруратини келтириб чиқармоқда. Бугунги кунда каср тартибли операторлар қатнашган тенгламалар учун кўриб чиқилаётган илмий изланишлар геология, электродинамика, тўлқин тарқалиш жараёнлари, геофизика ва бошқа кўплаб соҳалардаги тадқиқотларнинг энг кўп ўрганилаётган асосий масалаларидан ҳисобланади. Бундан ташқари, ер ости сувлари оқимлари ҳаракати жараёнларининг математик моделлари, композицион материалларнинг хоссалари билан боғлиқ бўлган кимёвий ва механик жараёнлар, аномал диффузия жараёнлари ва бошқа амалий муаммоларни ҳал қилишга доир тадқиқотларни олиб бориш ҳозирги кунда каср тартибли дифференциал ва интеграл ҳисобининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳон илм-фанида каср тартибли операторлар қатнашган хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун бошланғич ва чегаравий шартлар қатнашган масалаларни ечишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, замонавий математик физиканинг истиқболли йўналишлари бўлган тупроқ намлигини ўлчаш, лазер нурланиш жараёнларини математик моделлаштириш, плазма физикаси ва математик биология муаммоларига оид фундаментал тақиқотлар муҳим илмий аҳамият касб этади. Шунингдек, каср тартибли дифференциал ва интеграл назариясининг қўлланилиши биологик элементларнинг электр импедانслари, диффузия тизимларини бошқариш, ҳаракатни бошқариш, робототехника, динамик тизимлар ва механик манипуляторларни бошқаришда ишлатиладиган сигналларни таҳлил қилишда амалий-назарий жиҳатдан муҳим илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий тадбиқларга эга бўлган долзарб йўналишларига эътибор янада кучайтирилди, хусусан, мамлакатимиз олимлари томонидан каср тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун турли хил масалаларни ечишнинг самарали усулларини излашга алоҳида эътибор берилмоқда. “Алгебра ва унинг татбиқлари, дифференциал тенгламалар ва унинг татбиқлари, чизиқсиз тизимлар, динамик тизимлар ва уларнинг татбиқларини математик моделлаштириш, стохастик таҳлил, тиббий-биологик информатика, ҳисоблаш математикаси[1]” фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди. Бу

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон “Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори.

қарор ижросини таъминлашда математик физиканинг каср тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон “Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. “Математика, механика ва информатика” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Каср тартибли интегро-дифференциал оператор билан боғлиқ дастлабки натижалар Н.Абель ва Ж.Лиувиллга тегишли. Ушбу назарияни Г.Харди, А.В.Летников, А.Зигмунд, М.М.Ждрбашян, В.К.Вебер, А.А.Килбас, С.Г.Самко, М.Капуто, Р.Горенфло, Ф.Майнарди, А.М.Нахушев, В.И.Жегалов, М.С.Салахитдинов, Э.Р.Лов, М.Сайго, Х.М.Сривастава каби олимлар янада ривожлантирган. М.М.Джрбашян, А.Б.Нерсесян, Р.Горенфло, Ю.Ф.Лучко, С.Р.Умаров, А.А.Килбас, С.А.Марзан, А.В.Псху ишлари диффузия-тўлқин тенгламаси учун диффузия жараёнларининг математик моделларини ясашда катта аҳамиятга эга бўлган Риман-Лиувилль ёки Капуто каср тартибли операторлари қатнашган Коши ва чегаравий масалаларни ечишга бағишланган. А.А.Килбас ва О.А.Репинларнинг илмий ишларида эса каср тартибли аралаш типдаги тенгламалар учун чегаравий масалалар ўрганилган.

К.Б.Сабитовнинг илмий ишларида тўртбурчак соҳаларда бутун тартибли аралаш параболик-гиперболик типдаги тенгламалар учун тўғри масалалар ўрганилган. Ушбу ишларда y бўйича иккита улаш шарти ва бутун чегарада шартлар берилганда қўйилган масалалар ихтиёрий тўртбурчак соҳада ечилмаслиги исботланган. Ж.Аманов томонидан тўртбурчак соҳада бутун тартибли параболик-гиперболик типдаги тенглама учун чегаравий масалалар учта улаш шарти билан берилганда ихтиёрий тўртбурчак соҳада ечилиши исботланган. Каср тартибли операторлар қатнашган аралаш типдаги тенгламалар учун чегаравий масалалар учта улаш шарти билан шу пайтгача ўрганилмаган.

Р.Р.Ашуров, А.Кабада, Й.Лучко, Р.Горенфло, К.М.Шиналиев, Б.Х.Турметов, С.Р.Умаровлар каср тартибли тенгламалар учун чегаравий масалаларини ечишда оператор усулларидан фойдаланганлар. Э.Т.Каримов томонидан учта характеристик учбурчак ва битта тўртбурчакдан ташкил топган аралаш соҳада Капуто маъносида каср тартибли дифференциал оператор қатнашган аралаш типдаги тенглама учун қўйилган нолокал шартли тўғри масаланинг бир қийматли ечилиши исботланган. Ж.Аманов, А.Ашуралиев ва Б.Қодирқуловлар тўртбурчак соҳаларда ҳар хил турдаги каср тартибли дифференциал операторлар қатнашган юқори тартибли дифференциал тенгламалар учун турли хил бошланғич-чегаравий масалаларни тадқиқ қилган. К.Б.Собитов ва унинг шогирдлари тўртбурчак соҳаларда бутун тартибдаги тенглама учун тескари масалаларни ўрганган. Каср тартибли оператор қатнашган аралаш типдаги тенгламалар учун тескари масалалар яхши ўрганилмаган. Ушбу йўналишда Б.З.Қодирқулов ва Э.Т.Каримовларнинг илмий ишларини кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари, У.Балтаева, О.Абдуллаев ишларида тенгламанинг юкланган қисмида Риман-Лиувилль маъносида касрли тартибли оператор қатнашган тенгламалар учун локал ва нолокал чегаравий масалалар ўрганилган. Бу йўналишдаги илмий изланишлар юкланган тенгламалар назарияси муаммолари долзарблигини кўрсатади. Бундан ташқари юкланган тенгламалар назарияси амалиётга қўлланилмоқда ва жадал ривожлантирилмоқда. Б.И.Исломов, О.Х.Абдуллаев ва Н.К.Очилова, Э.Т.Каримов ва Ж.С.Ахатовлар томонидан Риман-Лиувилль ва Капуто маъноларидаги каср тартибли дифференциал оператор қатнашган аралаш типдаги тенгламалар учун чегаравий масалалар ўрганилган. Лекин Риман-Лиувилль оператори қатнашган аралаш типдаги юкланган тенгламалар учун тескари масалалар ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф1-065 рақамли “Спектрал параметрли сингуляр коэффициентли бузилишли тенгламалар назарияси” (2017-2018) мавзудаги фундаментал тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тўртбурчак соҳаларда каср тартибли Риман-Лиувилль ёки Капуто операторлари қатнашган аралаш типдаги тенгламалар учун тўғри ва тескари масалаларни ечишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тўртбурчак соҳада каср тартибли диффузия тенгламасини ўз ичига олган аралаш типдаги тенглама учун Трикоми типидаги масаланинг бир қийматли ечилишини исботлаш;

тўртбурчак соҳада спектрал параметрли каср тартибли бир жинсли бўлмаган аралаш типдаги тенглама учун учта улаш шарти қатнашган тўғри масалани ечиш;

аралаш соҳадаги Капуто оператори қатнашган аралаш типдаги тенглама учун иккинчи турдаги чегаравий шарт қатнашган тўғри масалани ечиш;

тўртбурчак соҳада каср тартибли Капуто ва Риман-Лиувилль операторлари қатнашган аралаш типдаги тенглама учун тескари масалаларнинг ечиш усулларини ишлаб чиқиш;

каср тартибли ҳосилалар қатнашган юкланган хусусий ҳосилали дифференциал тенглама учун тескари масалаларининг регуляр ечилишини исботлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тўртбурчак соҳаларда каср тартибли Капуто ва Риман-Лиувилль операторлари қатнашган аралаш типдаги тенглама учун чегаравий масалаларни ечиш белгилаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида турли каср тартибли операторлар қатнашган аралаш хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун тўғри ва тескари қўйилган масалаларни асослаш билан белгиланади .

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда математик анализ, хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар, математик физика, Волтерра интеграл тенгламаларини ечиш усулларидан, чизиқли операторларнинг спектрал ва Миттаг-Леффлер типидаги махсус функциялар назарияларидан ҳамда Фурье қаторлари хоссаларидан фойдаланилган.

Тадқиқот илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тўртбурчак соҳанинг параболик қисмида Капуто оператори қатнашган аралаш типдаги тенглама учун Трикоми масаласига ўхшаш масала ечимининг мавжудлиги ва ягоналиги исботланган ҳамда ечим Фурье қаторининг йиғиндиси кўринишида топилган;

тўртбурчак соҳанинг каср тартибли Капуто оператори қатнашган аралаш типдаги тенглама учун улаш чизиғида узилишли шарт қатнашган чегаравий масала ечимининг мавжудлиги ва ягоналиги исботланган;

тўртбурчак соҳада бир жинсли бўлмаган Капуто маъносида каср тартибли аралаш типдаги спектрал параметрли тенглама учун учта улаш шарти билан берилган тўғри масаланинг регуляр ечими топилган;

аралаш соҳада каср тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун иккинчи турдаги шарт қатнашган чегаравий масаланинг бир қийматли ечилиши исботланган;

тўртбурчак соҳада Риман-Лиувилль ва Капуто операторлари қатнашган тенглама учун тескари масаланинг бир қийматли ечилиши исботланган. Масала ечими бир ўлчовли спектрал масаланинг хос функциялар қатори кўринишига келтирилган;

тўртбурчак соҳада Риман-Лиувилль маъносидаги каср тартибли оператор қатнашган аралаш типдаги юкланган тенглама учун тескари масала ечимининг ягоналиги, мавжудлиги ва турғунлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тўртбурчак соҳада Риман-Лиувилль ва Капуто операторлари қатнашган тенглама учун тескари масаланинг бир қийматли ечими хос функциялар қатори кўринишида топилган;

каср тартибли оператор қатнашган тескари масалалар ечимнинг турғунлик баҳосидан фойдаланиб, зилзилалар ва вулқон отилишларининг математик моделлари тузилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги дифференциал тенгламалар, математик анализ, тескари масалалар назарияси, спектрал таҳлил усуллари қўлланилганлиги, математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги, шунингдек, теоремаларнинг тўлиқ исботлари билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган илмий натижаларнинг каср тартибли тенгламалар учун чегаравий масалалар назариясини янада ривожлантириши билан изохланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти табиатдаги диффузия жараёнларини, ер ости сувлари, газ ва кам сиқиладиган суюқликнинг ғовакли муҳитда ҳаракатланишини ўрганишдаги жараёнлар учун татбиқ этилиши билан изохланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тўртбурчак соҳада каср тартибли операторлар қатнашган аралаш типдаги тенгламалар учун чегаравий масалаларга оид илмий натижалар асосида:

каср тартибли бир жинсли ва бир жинсли бўлмаган аралаш типдаги тенгламалар учун чегаравий масалаларнинг корректлик тўпламидаги ечимлар кўринишидан ОТ–Ф4–(36+32) рақамли “Тоқ тартибли хусусий ҳосилали тенгламалар учун ноклассик бошланғич ва спектрал масалалар ва уларнинг тадбиқлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳада тоқ тартибли хусусий ҳосилали тенгламалар учун ноклассик бошланғич ва спектрал масалалар ечимларини қуришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 10 ноябрдаги №87-03-4543 рақамли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши масалаларнинг корректлигини исботлаш имкониятини берган;

тескари масалаларнинг умумий ечими ва ечимнинг турғунлигини баҳолашдан АААА-А19-119072290002-9 рақамли “Природные катастрофы Камчатки - землетрясения и извержение вулканов” номли хорижий лойиҳада зилзилалар ва вулқон отилишларининг математик моделини тузишда фойдаланилди (Витус Беринг Камчатка давлат университети, 2021 йил 22 мартдаги 18-12-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши тескари масаланинг умумий ечимини аниқлашнинг сонли усулини қуриш имкониятини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий - амалий анжуманларида, жами 7 та илмий - амалий анжуманларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг фалсафа доктори диссертацияларини ҳимоя қилишда тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатида 6 та мақола, жумладан, 3 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланади хамда тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги аниқланади. Диссертация мавзуси ва муаммони ўрганиш даражаси бўйича чет эл ва МДҲ давлатларида қилинган илмий тадқиқотлари бўйича умумий маълумотлар берилган. Мақсад ва вазифалар шакллантирилиб, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, илмий натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалга ошириш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Каср тартибли оператор қатнашган аралаш типдаги тенгламалар учун чегаравий масалалар»** деб номланган биринчи бобида, бутун ва каср тартибли оператор қатнашган аралаш типдаги тенгламалар учун зарур маълумотлар келтирилган ва тўртбурчак соҳада каср тартибли Капуто оператори қатнашган аралаш типдаги тенглама учун янги чегаравий масалалар ўрганилган.

Ушбу бобнинг биринчи параграфида баъзи маълум бўлган фактлар келтирилган хамда бутун ва каср тартибли аралаш типдаги тенгламалар учун керакли маълумотлар берилган.

Иккинчи ва учинчи параграфларда, тўртбурчак соҳада каср тартибли Капуто оператори қатнашган аралаш типдаги бир жинсли тенглама учун тўғри масалалар ўрганилган.

$\Omega=\{(x,y):\ 0<x<1,\ -p<y<q\}$ тўртбурчак соҳада қуйидаги тенгламани қараймиз:

$$0=\begin{cases} u_{xx}-{}_cD_{0y}^{\alpha}u & при\quad y\geq 0, \\ u_{xx}-u_{yy} & при\quad y<0 \end{cases} \tag{1}$$

бу ерда $p>0,\ q>0$ $-$берилган ҳақиқий сонлар ва ${}_cD_{0y}^{\alpha}$ $-$тартиби α бўлган каср тартибли Капуто оператори.[2]

Қуйидаги белгилашлашларни киритамиз: $J=\{(x,y):0<x<1,\ y=0\}$, $\Omega_1=\Omega\bigcap\{(x,y):\ x>0,\ y>0\}$, $\Omega_2=\Omega\bigcap\{(x,y):\ x>0,\ y<0\}$, $\Omega=\Omega_1\bigcup\Omega_2\bigcup J$.

1-масала. Ω соҳада қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи $u(x,y)$ функция топилсин: 1) $u(x,y)\in C(\bar{\Omega}),\ y^{1-\alpha}u_y(x,y)\in C(\Omega_1);$ 2) ${}_cD_{0y}^{\alpha}u\in C(\bar{\Omega}_1)$, $u(x,y)\in C_x^2(\bar{\Omega})\cap C_y^2(\bar{\Omega}_2)$ синфга тегишли бўлиб, $\Omega_j\,(j=1,2)$ соҳадаларда (1) тенгламани қаноатлантирсин; 3) J чизиқда қуйидаги улаш шартлари бажарилсин:

$$u(x,+0)=u(x,-0),\quad (x,0)\in\bar{J},\ \lim_{y\to+0}y^{1-\alpha}u_y(x,y)=\lim_{y\to-0}u_y(x,y),\ (x,0)\in J\,; \tag{2}$$

---

[2]Псху А.В. Уравнения в частных производных дробного порядка. М.: Наука, 2005. 199 с

4) $u(x,y)$ қуйидаги чегаравий шартларни қаноатлантирсин:

$$u(0,y)=0,\ u(1,y)=0,\quad -p\le y\le q,\ u(x,-p)=\psi(x),\quad 0\le x\le 1, \tag{3}$$

бу ерда $\psi(x)$ – етарли даражада силлиқ функция.

Мазкур параграфнинг асосий натижаси қуйидаги теоремадан иборат.

1-теорема. *Агар* $u(x,y)$ *функция учун 1-масалани ечими мавжуд бўлса, у ҳолда фақат ва фақатгина* $\Delta_n(p)\equiv\Gamma(\alpha)\cos n\pi p+\pi n\sin n\pi p\ne 0,\ n\in N$ *шарт бажарилганда, у ягона бўлади.*

1-мисол. Агар $p=(\pi k-\nu_n)/\lambda_n,\ \nu_n=\arcsin\left\{\Gamma(\alpha)\big/\sqrt{\Gamma^2(\alpha)+\lambda_n^2}\right\},\ k,n\in N,$ $\lambda_n=\pi n$ бўлса, у ҳолда $\Delta_n(p)=0$ бўлади.

1-натижа. *Чексиз кўп* $p\in\mathbb{R}^+$ *учун* $\Delta_n(p)=0$ *тенглик ўринли бўлса, у ҳолда бундай* p *лар учун 1-масала ечими нокоррект бўлади.*

2-натижа. *Агар* $\psi(x)=0$ *ва* $\Delta_n(p)=0$ *бўлса, у ҳолда 1-масала*

$$u_r(x,y)=\begin{cases} E_{1/\alpha}\left(-\lambda_r^2y^\alpha,1\right)X_r(x), & 0<y<q,\\ \left[\Gamma(\alpha)\cos r\pi y-\lambda_r\sin\pi r y\right]X_r(x), & -p<y<0,\end{cases}$$

нолдан фарқли ечимга эга бўлади, бу ерда $X_r(x)=\sqrt{2}\sin\lambda_r x,\ r\in N,$ ва $E_{1/\alpha}(z,\mu)$ – Миттаг-Леффлер функцияси[3].

1-масала ечими мавжудлигини асослаш учун қуйидаги леммалар исботланган:

1-лемма. *Барча* $n\in N$ *ва* $p\in\mathbb{Q}^+$ *учун шундай* $C_1>0$ *мавжудки,* $|\Delta_n(p)|\ge C_1>0$ *тенгсизлик бажарилади.*

2-лемма. *Агар 1-лемма шартлари бажарилса, у ҳолда барча* $n\in N$ *лар учун қуйидаги баҳолар ўринли:*

$$\left|c_n\right|\le M_1\left|\psi_n\right|,\ \left|b_n\right|\le M_2 n\left|\psi_n\right|,\ \left|u_n(y)\right|\le M_3 n\left|\psi_n\right|,\ y\in[-p,q],$$

$$\left|{}_cD_{0y}^\alpha u_n(y)\right|\le M_4 n^2\left|\psi_n\right|,\quad y\in[0,q],\ \left|u_n''(y)\right|\le M_5 n^3\left|\psi_n\right|,\ y\in[-p,0],\ M_i=const>0,\ (i=\overline{1,5}).$$

3-лемма. *Агар* $\psi(x)\in C^4[0,1],\quad \psi^{(i)}(0)=\psi^{(i)}(1)=0,\ i=0,2$ *бўлса, у ҳолда қуйидаги ифода* $\psi_n=\psi_n^{(4)}\big/(\pi n)^4$, *ўринли бўлади,*

бу ерда $\psi_n^{(4)}=\sqrt{2}\int\limits_0^1\psi^{(4)}(x)\sin\pi n x dx,\qquad \sum\limits_{n=1}^{+\infty}\left|\psi_n^{(4)}\right|^2\le\left\|\psi^{(4)}(x)\right\|_{L_2[0,1]}^2.$

1- масала учун қуйидаги теорема мавжуд:

---

[3]Джрбашян М.М. Интегральные преобразования и представления функций в комплексной области. М.: Наука, 1966. 672 с.

2-теорема. *Агар* $\psi(x)$ *функция 1-чи ва 3-чи лемма шартларини бажарса, у ҳолда 1- масаланинг ягона ечим мавжуд* $u(x,y)=\sqrt{2}\sum_{n=1}^{+\infty}u_n(y)\sin\pi nx$ *қаторлар билан аниқланади, бу ерда* $\psi_n=\sqrt{2}\int_0^1\psi(x)\sin\pi nxdx$,

$$u_n(y)=\begin{cases}\dfrac{\Gamma(\alpha)\psi_n}{\Delta_n(p)}E_{1/\alpha}(-\pi^2n^2y^\alpha,1), & 0<y<q,\\[2mm] \dfrac{\psi_n}{\Delta_n(p)}\left[\Gamma(\alpha)\cos n\pi y-\pi n\sin n\pi y\right], & -p<y<0.\end{cases}$$

1-масала ечимининг турғинлиги ҳақидаги теорема.

3-теорема. *Агар 1-чи ва 3-чи лемма шартлари ва* $\Delta_n(p)\neq 0,\ n=1,2,...,n_0$ *бажарилса, у ҳолда 1-масалани ечими учун қуйидаги баҳолар ўринли:*

$$\|u(x,y)\|_{L_2[0,1]}\le M_6\|\psi'(x)\|_{L_2[0,1]},\quad \|u(x,y)\|_{C(\bar\Omega)}\le M_7\|\psi''(x)\|_{C[0,1]},$$

бу ерда $M_i\,(i=6,7)$ *– мусбат ўзгармаслар бўлиб,* $\psi(x)$ *функцияга боғлиқ эмас*.

Биринчи бобнинг учинчи параграфида аралаш типдаги каср тартибли тенглама учун улаш чизиғида узилишли шарт қатнашган тўғри масала ечимининг мавжудлиги ва ягоналиги исботланган.

$\Omega=\Omega_1\bigcup\Omega_2\bigcup I$ тўртбурчак соҳада қуйидаги

$$0=\begin{cases}u_{xx}-{}_cD_{0y}^{\alpha}u-\mu^2u & (x,y)\in\Omega_1,\\ u_{xx}-u_{yy}-\mu^2u & (x,y)\in\Omega_2\end{cases}\tag{4}$$

тенглама учун улаш чизиғида узилишли шарт қатнашган тўғри масалани қараймиз, бу ерда $\Omega,\ \Omega_1,\ \Omega_2$ лар § 1.2 да аниқланган, $I=\{(x,y):\ 0<x<l,\ y=0\}$.

2-масала. Ωсоҳада қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи $u(x,y)$ функция топилсин: 1) $u(x,y)\in C(\bar\Omega_j),\ y^{1-\alpha}u_y(x,y)\in C(\bar\Omega_1)$; 2) ${}_cD_{0y}^{\alpha}u\in C(\bar\Omega_1)$, $u(x,y)\in C_y^2(\bar\Omega_2)\cap C_x^2(\bar\Omega)$, синфга тегишли бўлиб, $\Omega_j\,(j=1,2)$соҳадаларда (4) тенгламани қаноатлантирсин; 3) I чизиқда қуйидаги

$$u(x,+0)=a_1u(x,-0)+b_1(x),\ (x,0)\in\bar I,\quad \lim_{y\to+0}y^{1-\alpha}u_y(x,y)=a_2\lim_{y\to-0}u_y(x,y)+b_2(x),\ (x,0)\in I;$$

улаш шартлари бажарилсин; 4) $u(x,y)$ функция (3) шартларни қаноатлантирсин, бу ерда $b_j(x)\,(j=1,2)$ – етарли даражада силлиқ функциялар, бундан ташқари $a_j\in(-\infty,0)\cup(0,+\infty)$.

1.3 параграфнинг асосий натижаси қуйидаги теоремалардан иборат.

4-теорема. *Агар* $u(x,y)$ *функция учун 2-масалани ечими мавжуд бўлса, у ҳолда фақат ва фақатгина* $\tilde{\Delta}_n(p) \equiv a_2\Gamma(\alpha)cos\rho_n p + \rho_n a_1 sin\rho_n p \neq 0$, $n \in N$, $\rho_n = \sqrt{\lambda_n^2 + \mu^2}$, $\lambda_n = \pi n/l$, $n \in N$ *шарт ўринли бўлса, у ягона бўлади.*

5-теорема. *Агар* $\psi(x) \in C^4[0,l]$, $b_1(x) \in C^5[0,l]$, $b_2(x) \in C^3[0,l]$, $b_2^{(i)}(0) = b_2^{(i)}(l)$, $\psi^{(i)}(0) = \psi^{(i)}(l) = 0$, $i = 0,2$, $b_1^{(j)}(0) = b_1^{(j)}(l) = 0$, $j = 0,2,4$, *ва* $|\tilde{\Delta}_n(p)| \geq R_0 > 0$ *бўлса, унда 2-масаланинг ягона ечими мавжуд ва у* $u(x,y) = \sqrt{\frac{2}{l}}\sum_{n=1}^{+\infty} u_n(y)\, sin\lambda_n x$ *қатор билан аниқланади, буерда*

$$u_n(y) = \begin{cases} \dfrac{a_1}{\tilde{\Delta}_n(p)}\left\{-\left[\dfrac{\Gamma(\alpha)b_{2n}}{\rho_n} + \rho_n b_{1n}\right]sin\rho_n p + a_2\Gamma(\alpha)\psi_n\right\}E_{1/\alpha}(-\rho_n^2 y^\alpha, 1) + \\ \qquad + b_{1n}E_{1/\alpha}(-\rho_n^2 y^\alpha, 1), \qquad 0 < y < q, \\ \dfrac{1}{\tilde{\Delta}_n(p)}\left\{\left[a_2\Gamma(\alpha)\cos\rho_n y - \rho_n a_1 \sin\rho_n y\right]\psi_n - \left[\dfrac{\Gamma(\alpha)b_{2n}}{\rho_n} + \rho_n b_{1n}\right]\times\right. \\ \left.\times\left[sin\rho_n p cos\rho_n y - \dfrac{a_1\rho_n}{a_2\Gamma(\alpha)} sin\rho_n p sin\rho_n y\right]\right\}, \quad -p < y < 0. \end{cases}$$

Диссертациянинг **“Каср тартибли бир жинсли бўлмаган аралаш типдаги тенгламалар учун учта улаш шарти билан берилган тўғри масалалар”** номли иккинчи бобида тўртбурчак соҳада каср тартибли Капуто оператори қатнашган бир жинсли бўлмаган аралаш типдаги тенглама учун учта улаш шарти билан берилган тўғри чегаравий масалаларининг бир қийматли ечилиши ўрганилган.

Ушбу бобнинг § 2.1-параграфида спектрал усул ёрдамида тўртбурчак соҳада каср тартибли Капуто оператори қатнашган аралаш типдаги тенглама учун қўйилган тўғри чегаравий масала ечимининг мавжудлиги ва ягоналиги исботланган.

$\Omega = \{(t,x):\ -p < t < q,\ 0 < x < l\}$ тўртбурчак соҳада қуйидаги

$$f(t,x) = \begin{cases} {}_cD_{0t}^\alpha u - u_{xx} + \lambda^2 u, & t \geq 0, \\ u_{tt} - u_{xx} + \lambda^2 u, & t < 0, \end{cases} \tag{5}$$

тенгламани қараймиз, бу ерда $\lambda \geq 0,\ l > 0,\ p > 0, q > 0 -$ берилган ҳақиқий сонлар, $f(t,x) -$ берилган функция ва ${}_cD_{0y}^\alpha -$ тартиби $\alpha(0 < \alpha \leq 1)$ бўлган Капуто маъносидаги каср тартибли оператор бўлиб, (2) формула билан аниқланади.

3-масала. Қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи $u(x,y)$ функция топилсин: 1) $u(t,x)\in C(\bar{\Omega})$, $t^{1-\alpha}u_t(t,x)$, $t^{2-\alpha}u_{tt}(t,x)\in C(\Omega_1)$; 2) ${}_cD_{0t}^{\alpha}u\in C(\bar{\Omega}_1)$, $u(t,x)\in C_t^2(\bar{\Omega}_2)\cap C_x^2(\bar{\Omega})$ синфга тегишли бўлиб, $\Omega_j\ (j=1,2)$ соҳаларда (5) тенгламани қаноатлантирсин; 3) I чизиқда қуйидаги улаш шартлари бажарилсин:

$$u(+0,x)=u(-0,x),\qquad (0,x)\in\bar{I}, \tag{6}$$

$$\lim_{t\to+0}t^{1-\alpha}u_t(t,x)=\lim_{t\to-0}u_t(t,x),\qquad (0,x)\in I, \tag{7}$$

$$\lim_{t\to+0}t^{2-\alpha}u_{tt}(t,x)=\lim_{t\to-0}u_{tt}(t,x),\qquad (0,x)\in I; \tag{8}$$

4) $u(t,x)$ функция қуйидаги чегаравий шартларни қаноатлантирсин

$$u(t,0)=0,\quad u(t,l)=0,\quad -p\le t\le q. \tag{9}$$

1-Изоҳ. М.М.Хачев[4] ва К.Б.Сабитов[5] ларнинг нашр этган ишларида тўртбурчак соҳаларда иккинчи тартибли аралаш типдаги параболик-гиперболик ва эллиптик-гиперболик тенгламалар учун чегаравий масалалар иккита улаш шарти билан ўрганилган. Ушбу масалаларнинг бир қийматли ечилишида, соҳанинг гиперболик қисмининг чегараларида шартлар пайдо бўлади. Шу сабабли, ўрганилаётган масалалар ихтиёрий тўртбурчакда ҳал этилмайди. Бизнинг ҳолатимизда, агар биз (8) улаш шартини рад этсак, у ҳолада қуйидаги шартни қўйиш керак бўлади:

$$u(-p,x)=\psi(x),\qquad 0<x<l. \tag{10}$$

(10) шарт туфайли, қўйилган масаланинг бир қийматли ечилиши учун қуйидаги

$$\Delta_n(p)\equiv cos\,\lambda_n p+\lambda_n sin\,\lambda_n p\ne 0,\quad \lambda_n=\pi n/l,\quad n\in N \tag{11}$$

шарт келиб чиқади.

Академик Ш.А.Алимов[6] томонидан (11) шартнинг бажарилиши учун p сони иррационал бўлишлиги кўрсатилган. Агар 3-масала (8) шарт асосида ечилса, у ҳолда масала ихтиерий тўртбурчак соҳада ҳал қилинади.

3-масала ечимининг ягоналиги тўғрисида қуйидаги теорема мавжуд.

6-теорема. *Агар 3-масалани ечими мавжуд бўлса, у ягонадир.*

6-теорема спектрал анализ усуллари ёрдамида исботланади.

---

[4]Хачев М.М. Задача Дирихле для обобщенного уравнения Лаврентьев –Бицадзе в прямоугольной области. // «Дифференциальные уравнения». 1978. Т.14. № 1 . С.136-1

[5]Сабитов К. Б. Прямые и обратные задачи для уравнений смешанного параболо-гиперболического типа. Москва : Наука, 2016. 271 с.

7-теорема. *Агар* $f(t,x),\ f'_x(t,x),\ f''_{xx}(t,x),\ f'_t(t,x)\in C(\overline{\Omega})$ *ва* $f''_{tt}(t,x)\in L_2(\Omega),\ f(t,0)=f(t,l)=0,\quad -p\le t\le q$ *бўлса, у ҳолда 3-масаланинг регуляр ечими мавжуд ва қуйидаги формулалар билан аниқланади:*

$$u(t,x)=\begin{cases}\sum\limits_{n=1}^{\infty}\vartheta_n(x)\left[\dfrac{f_n(0)}{\rho_n^2}E_{1/\alpha}(-\rho_n^2t^\alpha,1)+\int\limits_0^t(t-\tau)^{\alpha-1}E_{1/\alpha}\left(-\rho_n^2(t-\tau)^\alpha,\alpha\right)f_n(\tau)d\tau\right], & (t,x)\in\Omega_1,\\ \sum\limits_{n=1}^{\infty}\vartheta_n(x)\left[\dfrac{f_n(0)}{\rho_n^2}\cos\rho_n t+\dfrac{1}{\rho_n}\int\limits_t^0 f_n(\tau)\sin\rho_n(\tau-t)d\tau\right], & (t,x)\in\Omega_2,\end{cases}\tag{12}$$

бу ерда

$$f_n(t)=\int\limits_0^l f(t,x)\vartheta_n(x)dx,\ \vartheta_n(x)=\sqrt{\frac{2}{l}}\sin\mu_n x,\ \rho_n=\sqrt{\mu_n^2+\lambda^2},\quad \mu_n=\frac{\pi n}{l},\quad n\in N.\tag{13}$$

7- теоремани исботлашда қуйидаги леммалар муҳим ўрин эгаллайди.

4-лемма. *Агар 7-теоремани шартлари бажарилса, у ҳолда ихтиёрий* $t\in[-p,q]$ *ва* $0<\varepsilon<1$ *учун*

$$\begin{cases}\left|u_n(t)\right|\le C_1\left[\dfrac{1}{\mu_n^4}+\dfrac{1}{\mu_n^{4-\varepsilon}}\right], & 0\le t\le q,\\ \left|u_n(t)\right|\le\dfrac{C_2}{\mu_n^4}, & -p\le t\le 0,\quad n\in N\end{cases}\tag{14}$$

тенгсизлик ўринли бўлади, бу ерда $C_1=M_1M_2\sqrt{\dfrac{2}{l}}max\left\{\dfrac{\ln 2q^\alpha+\alpha}{\alpha},\dfrac{2}{\alpha\varepsilon}\right\}$,
$C_2=2\sqrt{\dfrac{2}{l}}M_1,\ u_n(t)-$ *эса (12) дан аниқланади,* $M_j=const>0,\ (j=1,2)$.

5-лемма. *Агар* $\dfrac{\partial^2 f}{\partial t^2}\in L_2(\Omega_2),\ f(x,t)\in C_{x,t}^{0,1}\left(\overline{\Omega_2}\right)$ *шартлар бажарилса, у ҳолда* $\left|\dfrac{1}{\rho_n}\int\limits_t^0 f_n^{(k)}(\tau)\sin\rho_n(t-\tau)d\tau\right|\le\dfrac{l\sqrt{p}}{\pi\mu_n}\left\|f_n^{(k)}\right\|_{L_2(-p,0)},\quad k=0,1,2.$ *тенгсизлик ўринли бўлади.*

6-лемма. *Агар 7-теоремани шартлари бажарилса, у ҳолда* $\sum\limits_{n=1}^{\infty}f_n(t)\vartheta_n(x)$ *Фурье қатори* $\overline{\Omega}$ *соҳада абсолют ва текис яқинлашувчи бўлади.*

5-ва 6-леммалар Коши-Буняковский ва Бессел тенгсизликлари ёрдамида исботланади.

4-6 леммаларни ва 7-теорема шартларини ҳисобга олиб, (12) қаторларни абсолют ва текис яқинлашувчи бўлишлиги кўрсатилган.

(12) да қатнашган қаторларнинг яқинлашувчилигидан хулоса қилишимиз мумкинки, 3-масалани регуляр ечими мавжуд бўлиб, у (6) - (9) шартларини ҳамда (5) тенгламани Ω_1 ва Ω_2соҳадаларда мос равишда қаноатлантиради.

Иккинчи бобнинг 2.2 параграфида Ω соҳада $\lambda=0$ да (5) тенглама учун 4- масалани иккинчи турдаги чегаравий шарт билан таҳлил этилган.

Диссертация ишининг **“Тўртбурчак соҳада Риман-Лиувилль ва Капуто операторлари қатнашган аралаш типдаги тенгламалар учун тескари масалалар”**деб номланган учинчи боби икки параграфдан иборат бўлиб, уларда Риман-Лиувилль ва Капуто маъносидаги каср тартибли интеграл-дифференциал оператор қатнашган аралаш типдаги тенгламалар учун тескари масалалар ўрганилган.

Учинчи бобининг биринчи параграфда тўртбурчак соҳадаги Риман-Лиувилль ва Капуто операторлар қатнашган аралаш типдаги тенглама учун тескари масала ўрганилган. Тескари масала ечимининг мавжудлиги ва ягоналиги ҳақидаги теоремалар исботланган. Масаланинг ечимига мос келадиган бир ўлчовли спектрал масаланинг хос функциялари ёрдамида тескари масала ечими Фурье қаторлар кўринишида топилган. Сунгра масаланинг бир қийматли ечилиши тўртбурчак соҳанинг чегарасини танлашга боғлиқлиги исботланган. Бир жинсли шартларида тескари масала нотривиал ечимга эга бўлишига мисол қурилган.

$\Omega=\{(x,y):\ 0<x<1,\ -p<y<q\}$ соҳада қуйидаги

$$Lu=f(x,y) \tag{15}$$

тенгламани қараймиз, бу ерда

$$Lu=\begin{cases} u_{xx}+\int\limits_y^q\left[D_{0t}^{\alpha-1}u_{tt}(x,t)\right]dt-\lambda^2u, & y\ge 0,\\ u_{xx}-u_{yy}-\lambda^2u, & y<0,\end{cases}\qquad f(x,y)=\begin{cases} f_1(x), & y>0,\\ f_2(x), & y<0,\end{cases} \tag{16}$$

$\lambda>0,\ p>0,\ q>0$ – берилган ҳақиқий сонлар ва $D_{0y}^{-\alpha}[\cdot]-\alpha\in(0,1)$ тартибли Риман-Лиувилль маъносидаги каср тартиб оператор бўлиб, қуйидаги формула билан аниқланади: $D_{0y}^{-\alpha}\upsilon(y)\equiv I_{0y}^{\alpha}\upsilon(y)=\dfrac{1}{\Gamma(\alpha)}\int\limits_0^y\dfrac{\upsilon(t)dt}{(y-t)^{1-\alpha}}$.

Қуйидаги белгилашлашларни киритамиз: $J=\{(x,y):0<x<1,\ y=0\}$, $\Omega_1=\Omega\cap\{(x,y):\ x>0,\ y>0\}$, $\Omega_2=\Omega\cap\{(x,y):\ x>0,\ y<0\}$, $\Omega=\Omega_1\cup\Omega_2\cup J$.

5-тескари масала. Ωсоҳада қуйидагишартларни қаноатлантирувчи $u(x,y)$ва $f(x,y)$ функциялар топилсин:

$$u(x,y)\in C^1(\bar{\Omega})\cap C_y^2(\bar{\Omega}_2)\cap C_x^2(\bar{\Omega}),\ \int\limits_y^q \left[D_{0t}^{\alpha-1}u_{tt}(x,t)\right]dt\in C(\bar{\Omega}_1), \tag{17}$$

$$f_j(x)\in C(0,1)\bigcap L_2\left[0,1\right], \tag{18}$$

$$Lu=\begin{cases} f_1(x), & y>0,\\ f_2(x), & y<0,\end{cases} \tag{19}$$

$$u(0,y)=0,\qquad u(1,y)=0,\qquad -p\le y\le q, \tag{20}$$

$$u(x,-p)=\psi(x),\quad u_y(x,-p)=g(x),\quad u(x,q)=\varphi(x),\quad 0\le x\le 1, \tag{21}$$

буерда $\psi(x),\ \ g(x),\ \ \varphi(x)-$етарли даражада силлиқ функциялар.

5-тескари масала учун қуйидаги теорема мавжуд:

8-теорема. *Агар (15) - (21) тескари масаланинг ечими мавжуд бўлиб, қуйидаги*

$$\Delta_{pq}(k)=2\sqrt{1+(q\rho_k)^2E_{1/\alpha}^2\left[-\rho_k^2q^\alpha,2\right]}\,sin\left(\frac{\rho_k p}{2}+\nu_k\right)sin\frac{\rho_k p}{2}\ne 0 \ \text{барча}\ k\in N, \tag{22}$$

шарт бажарилса, у ечим ягонадир, бу ерда $\rho_k=\sqrt{\mu_k^2+\lambda^2},\quad \mu_k=\pi k,\ \ E_{1/\alpha}(z,\mu)-$ *Миттаг-Леффлер функцияси,* $\nu_k=arcsin\left\{q\rho_kE_{1/\alpha}\left[-\rho_k^2\,q^\alpha,2\right]\Big/\sqrt{1+(q\rho_k)^2E_{1/\alpha}^2\left[-\rho_k^2q^\alpha,2\right]}\right\}.$

2-мисол. Агар $p=2\pi n/\rho_k,\quad n\in N$ ёки $p=(2\pi m-2\nu_k)/\rho_k,\quad m,k\in N$ бўлса, $\Delta_{pq}(k)=0$ бўлади.

3-натижа. *Агар* $\varphi(x)\equiv 0,\ \psi(x)\equiv 0,\ g(x)\equiv 0,\ \Delta_{pq}(k)=0$ *ва* $sin\,\rho_k p\ne 0$ *бўлса, 5- тескари масала қуйидаги*

$$u_k(x,y)=\begin{cases} -\sqrt{2}sin\mu_k x\int\limits_y^q E_{1/\alpha}\left[-\rho_k^2t^\alpha,1\right]d\,t, & 0\le y\le q,\\ \dfrac{\sqrt{2}sin\,\mu_k x}{sin\,\rho_k p}\Big\{\Big(1+q\rho_kE_{1/\alpha}\left[-\rho_k^2\,q^\alpha,2\right]sin\,\rho_k p\Big)cos\,\rho_k y- & \\ \qquad -1-sin\,\rho_k p sin\,\rho_k y\Big\}, & -p\le y\le 0,\end{cases} \tag{23}$$

$$f_{1k}(x)=0,\qquad f_{2k}(x)=\frac{\sqrt{2}\rho_k^2 sin\,\mu_k x}{sin\,\rho_k p},$$

кўринишдаги нотривиал ечимга эга бўлади, бу ерда $E_{1/\alpha}(z,\mu)-$*Миттаг-Леффлер функциясидир.*

4-натижа. *Агар* $\varphi(x)\equiv 0$, $\psi(x)\equiv 0$, $g(x)\equiv 0$, $\Delta_{pq}(k)=0$ *ва* $sin\,\rho_k p\neq 0$ *бўлса, у ҳолда 5- тескари масала қуйидаги*

$$u_k(x,y)=\begin{cases} 0, & 0\le y\le q, \\ \dfrac{\sqrt{2}f_{2k}}{\rho_k^2}\left(cos\,\rho_k y-1\right)sin\,\mu_k x, & -p\le y\le 0, \end{cases} \tag{24}$$

$$f_{1k}=0,\quad f_{2k}(x)=\sqrt{2}\ f_{2k}sin\mu_k x,$$

кўринишдаги нотриваиал ечимга эга бўлди, бу ерда $f_{2k}\neq 0-$ *ихтиёрий ўзгармас.*

